

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ

«БАНКЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ»

ФАНИДАН

**КУРС ИШЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ
ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА**

УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

**5230700 - "Банк иши" таълим йўналиши талабаларига
мўлжалланган.**



САМАРҚАНД - 2017

Ҳ.Н.Мусаев, А.А. Амонов, Д.Д. Пашаходжаева. «Банкларда бухгалтерия ҳисоби» фанидан курс ишларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш бўйича услубий кўрсатмалар. Самарқанд, СамИСИ, 2017, 32 бет.

Мазкур услубий иш «Банкларда бухгалтерия ҳисоби» фанидан курс ишларини тайёрлаш, тақдим этиш ва ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган бўлиб фан дастури асосида тайёрланган. Ишда фан бўйича курс ишлари мавзуларини танлаш, режасини тузиш ва тайёрлаш масалаларининг услубий жиҳатлари кенг ўрин олган.

Ишни тайёрлашда бухгалтерия ҳисобига оид кейинги ўзгаришлар эътиборга олинган.

Услубий кўрсатмалар олий ўқув юртларининг 5230700 – “Банк иши” таълим йўналиши талабаларига мўлжалланган. Ундан бошқа таълим йўналишлари талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ишни тайёрлашда бошқа фанлардан курс ишларини тайёрлаш бўйича олдин чоп этилган услубий ишлардан фойдаланилди.

Тақризчилар:

Алиқулов А.И. – и.ф.д. профессор (Самарқанд кишлок хўжалиги институти)

Рофеев Д.Р. - и.ф.н., доцент (Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти)

“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедрасининг 2017 йил 18 октябрдаги йиғилишида кўриб чиқилган ва маъқулланган (7 -сонли баённома).

Институт ўқув-услубий кенгашининг 2017 йил 24 октябрдаги йиғилиши қарори билан чоп этишга тавсия этилган (2 -сонли баённома).

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ҳ.Н.Мусаев, А.А. Амонов, Д.Д. Пашаходжаева.

КИРИШ

Олий ўқув юртларида тайёрланаётган "Банк иши" таълим йўналишидаги талабаларнинг ўқув режасида «Банкларда бухгалтерия ҳисоби» фанини ўрганиш кўзда тутилган. Мазкур фаннинг мақсади банкларда бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятларини, усул ва услубиятини ўрганиш, дастлабки ҳужжатларни қайта ишлаш ва уларнинг айланиш жараёнини билиш, банкларни бошқаришда бухгалтерия ҳисобининг тутган ўрни, маълумотларга ишлов бериш ва молиявий ҳисоботларни тартибини билишдан иборат.

Ўқув режасига асосан талабалар «Банкларда бухгалтерия ҳисоби» фанидан курс ишларини тайёрлайдилар. Курс ишлари аниқ мавзулар бўйича ёзилади. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизимига асосан курс ишларининг ҳимояси белгиланган тартибда ўтказилади ва баҳоланади (балл берилади).

Мазкур ишни тайёрлашда курс ишлари бўйича олдин чоп этилган услубий манбалардан намуна сифатида фойдаланилди¹.

I. КУРС ИШИНING АҲАМИЯТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТУТГАН ЎРНИ

«Банкларда бухгалтерия ҳисоби» фани бўйича курс ишининг ёзилиши талабаларнинг ушбу фанни ўрганишнинг якуни ҳисобланади. Курс ишини ёзиш жараёнида талаба маълум мавзу бўйича ўзининг илмий-назарий қарашларини амалий маълумотлар билан бойитади, ушбу жараённи такомиллаштиришга қаратилган таклифлар беради ва тавсиялар ишлаб чиқади.

Талаба томонидан курс ишининг ёзилиши қуйидаги вазифаларга қаратилган:

- талабанинг илмий-назарий қобилиятини мустаҳкамлаш;
- талабани қабул қилинган қонунлар, қарорлар, низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан мустақил ишлашга ўргатиш;
- талабани алоҳида муаммо ёки аниқ мавзу бўйича махсус адабиётлар ва илмий манбалар устида ишлашга ўргатиш;

¹ Ҳ.Н.Мусаев, Б.А.Ҳасанов, Д.Р.Рофеев. Аудит. Курс ишларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш бўйича услубий кўрсатмалар. Самарқанд, СамИСИ, 2009, 37 бет.

- курс ишини тайёрлаш натижасида талабанинг касбий маҳоратини шакллантириш;
 - талабанинг банкларда бухгалтерия ҳисоби объектлари бўйича билими ва савиясини ошириш;
 - талабани курс ишини бажариш натижасида асосланган хулосалар қилиш ва аниқ таклифлар беришга ўргатишдан иборат.
- «Банкларда бухгалтерия ҳисоби» фанидан курс иши ёзилишининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, талабада, эндиликда мустақил ижодий қобилият шаклланади.

II. КУРС ИШИ МАВЗУСИНИ ТАНЛАШ ТАРТИБИ

Талабанинг курс иши самарадорлиги мавзунинг тўғри танланишига бевосита боғлиқ. Ҳар бир талаба курс иши мавзусини тўғри танлаши керак. У даставвал кафедра томонидан тавсия қилинган курс ишлари мавзулари билан яқиндан танишади. Шу мақсадларда кафедрада банкларда бухгалтерия ҳисоби бўйича маълум намунавий мавзулар ишлаб чиқилади ва талабаларга олдиндан маълум қилинади. Мавзулар банкларда бухгалтерия ҳисобининг назарий, услубий ва ташкилий томонларини ўз ичига олади. Талаба томонидан охириги курсда тайёрланадиган “Битирув малакавий иши” фанлар бўйича тайёрланган курс ишлари мавзулари билан узвий боғланган бўлади.

Талаба «Банкларда бухгалтерия ҳисоби» фанидан курс иши мавзусини намунавий мавзулар таркибидан мустақил равишда танлайди. Лекин, намунавий мавзулар талабалар томонидан мавзу танлаш ҳуқуқини чекламайди. Агар, талаба намунавий мавзуларга киритилмаган янги мавзунини таклиф қилса, у ҳолда таклиф қилинаётган мавзу илмий жиҳатдан асосланган бўлиши керак. Янги мавзулар талабаларнинг олдин тайёрлаган илмий маърузалари ва банкларнинг қатъий буюртмаларига асосланган бўлиши мумкин.

«Банкларда бухгалтерия ҳисоби» фани бўйича курс ишларининг намунавий мавзулари 1 ва 2-иловаларда келтирилди. Курс иши мавзуларини шакллантиришда кадрлар буюртмачиларининг таклиф ва тавсиялари эътиборга олинди.

Мавзулар талабаларнинг ёзма равишдаги аризалари

асосида белгиланади. Талаба танлаган мавзуси бўйича кафедра мудирини номига ёзма ариза беради. Аризада мавзунинг номи, қайси банк мисолида ёзилиши кўрсатилади. Талабалар томонидан танланган курс ишларининг мавзулари ва объектлари кафедра йиғилишида муҳокама қилинади ва тасдиқланади.

III. КУРС ИШЛАРИГА РАЎБАРЛИК ҚИЛИШ

Талабаларнинг курс ишларига умумий раўбарлик қилиш кафедра мудирини зиммасига юклатилган. Шу билан биргаликда ҳар бир талабанинг курс ишига кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчилари ёки амалиёт ходимлари раўбарлик қилади. Курс ишларига илмий – услубий раўбарлик масаласи кафедра йиғилишида кўриб чиқилади ва қарор қабул қилинади.

Талабаларнинг курс ишларига амалиётдан банклардаги бухгалтерия ҳисоби хизмати бошлиқлари ҳам раўбарлик қилишлари мумкин. Талаба курс иши бўйича илмий раўбар билан узлуксиз равишда боғланиб туриши керак. Курс ишининг муддатида бажарилиши илмий раўбар ва кафедра мудирини томонидан назорат қилиб борилади.

IV. КУРС ИШИ РЕЖАСИ

Курс ишининг муваффақиятли тайёрланиши ва якунланиши ушбу ишнинг режасига бевосита боғлиқ. Ишнинг режаси талаба томонидан илмий раўбар маслаҳатига асосланиб тузилади. Ишнинг режасида унинг мақсади ва вазифалари белгиланади. Бунинг учун талаба танланган мавзунинг назарий ва амалий томонларини яхши билиши, ушбу масалалар бўйича меъёрий ҳужжатлар, махсус адабиётлар, фанлар бўйича маъруза матнларини ўрганиши керак. Айрим масалаларда банк амалиёти билан танишилади.

Курс иши режасининг таркиби қуйидагилардан иборат:

- ишнинг кириш қисми;
 - курс ишида кўриладиган асосий саволлар (4-5 та савол);
 - ишнинг хулоса ва таклифлар қисми.
- «Банкларда бухгалтерия ҳисоби» фанидан курс ишларини

тайёрлаш режаси икки хил тартибда (вариантда) тузилиши мумкин. Биринчи вариантда ишнинг режаси икки қисм (боб)дан иборат бўлади. Биринчи қисмда (бобда) масаланинг назарий жиҳатлари ёритилса, иккинчи қисми (боби) да эса бевосита банкларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ҳозирги ҳолати, уни яхшилаш (такомиллаштириш) бўйича таклиф ва тавсиялар ўз аксини топади.

Курс иши режасининг иккинчи вариантыда режа таркиби алоҳида бобларга ажратилмасдан аниқ саволлар маълум кетма-кетликда ифодаланиши мумкин. Бизнинг фикримизча, талабаларнинг курс ишлари режаси биринчи вариант талаблари асосида тузилса ва тайёрланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Курс ишлари мавзуларининг намунавий режалари 3 ва 4-иловаларда келтирилди.

V. КУРС ИШИНИ ЁЗИШДА МЕЪЁРИЙ –ҲУҚУҚИЙ МАНБАЛАР, МАХСУС АДАБИЁТЛАР ВА АМАЛИЙ МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Талаба курс ишини ёзишда меъёрий ҳужжатлар ва махсус адабиётлардан кенг равишда фойдаланади. Шунинг учун ҳам у банк соҳасида қабул қилинган қонунлар, қарорлар, низомлар, йўриқномаларни чуқур билиши керак. Мавзу бўйича махсус адабиётлар мукамал равишда ўрганилади. Акс ҳолда курс иши мавзуси бўйича аниқ хулосалар қилиш ва таклифлар бериш қийин кечади.

Талаба курс иши мавзусига алоқадор бўлган кафедрада ва ахборот ресурс марказидаги мавжуд меъёрий ҳужжатлар, махсус адабиётлар билан яқиндан танишиши керак. Ушбу мақсадлар учун ўрганиладиган меъёрий ҳужжатлар ва махсус адабиётлар рўйхати тузилади. Мавзу бўйича манбалар институтда чоп этилган илмий, илмий-амалий конференцияларнинг тўпламларида ҳам ифодаланган бўлади. Талаба барча манбаларни маълум кетма-кетликда ижодий ўрганади.

Курс иши мавзуси бўйича кўпгина мақолалар, манбалар “Бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш”, «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», “Молия”, “Иқтисод ва молия”, “Бозор, пул ва кредит”, “Солиқ тўловчининг журнали”, “Сервис”, “Солиқ ва божхона хабарлари” каби журналлар. Талаба ушбу

манбалар билан яқиндан танишиб ўз мавзусига даҳлдор бўлган материалларни йиғади. Материаллар билан танишиш жараёнида талаба журнал ёки газетанинг номи, рақами, мақола муаллифларининг исми-шарифи, мақола номи, қайси саҳифада келтирилганлигини ёзиб олиши керак. Айрим маълумотлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида чоп этиладиган журналларда ҳам бўлади. Бунинг учун талаба институт ахборот ресурсидаги МДҲ мамлакатларида келтирилган манбалар, мисол учун, «Бухгалтерский учет», «Финансы», «Банковское дело» журналларидан фойдаланади. Институтнинг ахборот ресурс марказида ва интернет сайтларида турли даврларда ўтказилган илмий анжуман материаллари берилган бўлади. Талаба ушбу манбалардан ҳам самарали фойдаланиши керак. Курс ишлари мавзулари бўйича айрим маълумотлар Интернет тармоғи орқали олинади ва ўрганилади. Талаба томонидан махсус адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар ўрганилганда мавзуга тегишли бўлган маълумотлар қисқача ёзиб олинади, кейинчалик эса курс ишида фойдаланилади. Курс ишига турли манбалардан келтирилган фикрлар (таъкидлар) қўштирноқ ичига олиниб охирида унинг манбаси кўрсатилиши керак. Курс иши охирида ушбу манбалар фойдаланилган адабиётлар рўйхатида киритилади.

Курс ишини тайёрлаш жараёнида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банк тўғрисида», «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги»ги қонунлари ва бошқа қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Марказий банкнинг йўриқномаларидан кенг фойдаланилади. Курс ишларини тайёрлаш бўйича меъёрий ҳужжатлар ва махсус адабиётлар рўйхати 5-иловада келтирилди.

Талабанинг курс иши ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ёритилган бўлиши керак. Амалий маълумотлар бевосита банкларнинг фаолиятидан олинади. Бунинг учун талаба кафедрадан йўлланма олади. Йўлланмада курс иши мавзуси, олинadиган амалий маълумотларнинг мазмуни қисқача келтирилади. Амалий маълумотлар курс иши мавзуси ва қўйилган вазифаларга бевосита боғланган бўлиши керак. Курс ишининг объектига қараб амалий маълумотлар турлича бўлиши

мумкин. Мисол учун, “Банкларда касса операцияларининг ҳисоби” мавзуси бўйича қуйидаги амалий маълумотлар олинади: банкнинг молиявий ҳисоботи, кассирнинг ҳисоботи (дастлабки ҳужжатлари билан), кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар бўйича журнал – ордерлар (мемориал – ордерлар), Бош китоб, кассадаги пул маблағларининг инвентаризацияси бўйича маълумотлар.

Талаба томонидан олинган амалий маълумотлар курс ишидаги саволларни ёритишда фойдаланилади.

VI. КУРС ИШИНИ ЁЗИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Курс ишини тайёрлаш илмий раҳбар томонидан белгиланган топшириқ-вазифалар асосида аниқ муддатларда ёзилади.

Курс иши мавзу бўйича қўйилган саволлар ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўрганилгандан кейин талаба томонидан мустақил равишда ёзилади. Ишни ёзишда маълум талаблар эътиборга олиниши керак. Курс иши юқори илмий-назарий ва услубий мазмунда ёзилади. Қўйилган саволлар содда ва шу билан биргаликда илмий жиҳатдан мазмунли қилиб ифодаланган бўлиши лозим. Курс ишидаги жумлаларни қисқартириб ёзиш мумкин эмас. Айрим жумлалар ёки номлар фақат умумий қабул қилинган тартибда қисқартирилиб ёзилиши мумкин.

Курс ишидаги қўйилган ҳар бир савол алоҳида, яъни янги саҳифадан ёзилади. Курс иши ёзилган варақларга бетларнинг тартиб рақами қўйиб борилади. Варақ бетларида қабул қилинган тартибда бўш жойлар қолдирилиши керак. Ушбу жойларда, кейинчалик илмий раҳбарнинг фикр-мулоҳазалари акс эттирилади.

Курс иши унинг кириш қисмини ёзишдан бошланади. Унда мавзунинг долзарблиги, мақсади, вазифалари ва илмий-амалий аҳамияти ёритилади. Кейинчалик, қўйилган боблардаги саволларнинг мазмуни келтирилади. Бобдаги бир савол ёритилгандан сўнг иккинчи ва учинчи саволларга ўтилади. Саволларнинг мазмуни бир-бири билан узвий боғланган бўлиши керак. Ҳар бир савол ёритилганда унинг илмий-назарий

томонлари, амалиётдаги ҳолати, мавжуд камчиликларига алоҳида эътибор берилади ва уларни бартараф қилиш бўйича аниқ таклифлар киритилади.

Талаба қўйилган саволни ёритиш жараёнида мавжуд камчиликлар, уларни бартараф қилиш бўйича таклифларни алоҳида ҳисобга олиб борса мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу таклифлар, кейинчалик ишнинг «Хулоса ва таклифлар» қисмида келтирилади. Курс ишида саволларни ёритиш жараёнида қонунлардан, низомлардан, махсус адабиётлардан айрим фикрлар (таъкидлар) келтирилади. Манбалардан келтириладиган фикрлар (таъкидлар) қўштирноқ ичга олинади («кўчирма сўз») ва варақ бетининг охирида унинг манбаси тўлиқ кўрсатилади. Бундай тартиб курс ишида келтирилган расмий рақамлар бўйича ҳам қўлланилади. Рақамларнинг аниқлиги ва асослигига талаба шахсан жавоб беради.

Курс ишининг ҳажми ўртача 30-35 бетлар атрофида бўлиб, 1,5 интервалда, Times New Roman шрифтида ифодаланади (иловалар бунга кирмайди). Ёзиб тугатилган курс иши маълум тартибда расмийлаштирилади. Иш муқова варағи, мазмуни ифодаланган қисми, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлади.

Курс ишини расмийлаштириш тартиби 6 – 11 иловаларда келтирилди. Ишнинг биринчи бетида унинг номи, кейинчалик ҳар бир савол бўйича унинг мазмуни алоҳида келтирилган бўлади. Ишнинг таркибида жадваллар, расмлар, диаграммалар маълум кетма-кетликда рақамлар билан белгиланиб борилиши керак (жадваллар, диаграмма ва расмлар алоҳида рақамлар билан белгиланади). Курс иши сўнгида хулоса ва таклифлар келтирилади. Ишда фойдаланилган меъёрий хужжатлар ва адабиётлар алфавит бўйича келтирилади. Бунда олдин қонунлар, қарорлар, низомлар, йўриқномалар, Президент асарлари, кейинчалик эса махсус адабиётлар муаллифларнинг исми-шарифи бўйича келтирилади. Фойдаланилган адабиётларнинг номи, нашриёти, йили келтирилган бўлиши шарт. Курс ишининг охирида иловалар берилади. Ушбу иловалар қўйилган саволларнинг кетма - кетлиги бўйича рақамланган бўлади (мисол учун, «1-илова», «2-илова» ва ҳоказо).

Курс иши талаба томонидан имзоланган ҳолда махсус папкада тикилади ва кафедрага муддатида топширилади.

VII. КУРС ИШИНИНГ КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ ВА ҲИМОЯСИ

Талаба томонидан якунланган курс иши кафедрага топширилади. Кафедра ходимлари ишларни махсус китоб (журнал) да қайд қилиб текшириш учун илмий раҳбарга беради. Курс иши раҳбари ишни тўлиқ текшириб унга ёзма тақриз (хулоса) беради. Тақризда ишнинг ижобий томонлари, ундаги мавжуд камчиликлар алоҳида қайд қилиниб умумий хулосага келинади. Талабанинг курс иши қўйилган талабларга тўлиқ жавоб берган тақдирдагина ҳимояга тавсия этилади. Шунинг учун тақризчи курс ишининг мавзуси, мазмуни ва қўйилган саволларнинг нечоғлик ёритилганлик даражасига алоҳида эътибор бериши керак. Номи тасдиқланган мавзуга мос келмаган, саволлари илмий-амалий жиҳатдан тўлиқ ёритилмаган курс ишлари ҳимояга тавсия этилмайди. Бундай ҳолларда талаба илмий раҳбарининг тақриздаги камчиликларни белгиланган муддатларда бартараф қилиши ва ишни қайтадан тақризга бериши керак. Илмий раҳбар томонидан иш қайта тақризлангандан сўнг унинг ҳимояга қўйилиш-қўйилмаслиги маълум бўлади. Олдинги тақризда келтирилган камчиликлар тўлиқ бартараф қилингандан кейин курс иши ҳимояга тавсия этилади.

Курс ишининг ҳимояси кафедрада тасдиқланган махсус комиссиянинг йиғилишида ўтказилади. Комиссия аъзолари курс ишларининг мазмуни билан яқиндан танишиб уларнинг ҳимоясини ўтказадилар. Курс ишлари ҳимояси компьютер воситалари орқали тақдимот шаклида ўтказилса унинг самараси юқори бўлади. Ҳимоя пайтида талаба тайёрлаган курс ишининг мазмунини, хулоса ва таклифларини баён қилиши керак. Комиссия аъзоларининг мавзу бўйича саволларига талаба аниқ жавоблар бериши лозим. Комиссия аъзолари ҳар бир курс иши ҳимояси натижалари бўйича алоҳида қарор қабул қилади. Ушбу жараён комиссия баённомаси орқали расмийлаштирилиб борилади. Курс ишларининг ҳимоясини ўтказувчи комиссия аъзолари ишнинг тайёргарлик даражаси ва талабанинг ҳимояси натижаларига қараб курс иши мазмунини баҳолайдилар (балл бериладилар). Ушбу балл рейтинг тизими талабларига

асосланади, яъни 86 балдан 100 балгача, 71 балдан 85 балгача, 55 балдан 70 балгача, 55 балдан кам.

Курс иши ҳимоясида 55 баллдан кам балл олган талаба «Банкларда бухгалтерия ҳисоби» фанидан якуний назорат турига қўйилмайди ва белгиланган тартибда курс ишини қайтадан ҳимоя қилади. Кейинги ҳимояда талаба 55 ва ундан юқори балл олиши керак. Шундан кейингина, талаба фан бўйича якуний назоратга қўйилади.

ИЛОВАЛАР

1-илова

«Банкларда бухгалтерия ҳисоби» фанидан курс ишларининг мавзулари

1. Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари
2. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари ва ҳужжатлар айланиши
3. Банкларда синтетик ва аналитик ҳисобнинг юритилиш тартиби
4. Банкларда мижозлар учун ҳисобварақаларининг очилиш тартиби ва юритилиши
5. Банкларда нақд пулсиз ҳисоб – китоблари ҳисоби
6. Банклараро ҳисоб-китоблар ҳисоби
7. Банкларда касса операциялари ҳисоби
8. Банкларда кредит операциялари ҳисоби
9. Банкларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг меъёрий – ҳуқуқий асослари
10. Банкларда лизинг ва факторинг операциялари ҳисоби
11. Банкларда қимматли қоғозлар ҳисоби
12. Банкларда асосий воситалар ҳисоби
13. Банкларда номоддий активлар ҳисоби
14. Банкларда кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби
15. Банкларда меҳнат ҳақининг ҳисоби
16. Банкларда даромадларнинг ҳисоби
17. Банкларда харажатларнинг ҳисоби
18. Банкларда солиқларнинг ҳисоби

19. Банкларда аҳоли жамғармалари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби
20. Банкларнинг бухгалтерия баланси хусусиятлари ва уни тузиш тартиби
21. Банкларда молиявий натижалар ҳисоби
22. Банкларда бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақалари режаси ва ундан фойдаланиш
23. Банкларда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва уларнинг ҳисобини ташкил қилиш
24. Тўлов-топшириқномалари ва тўлов-талабномалари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби
25. Банкларда инкассо топшириқномалари ва чеклар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби
26. Банкларда пластик карточкалар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби
27. Банкларда валюта операцияларининг ҳисоби
28. Банкларда операцион харажатларнинг ҳисоби
29. Банкларда бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва уларни юритиш тартиби
30. Банкларнинг молиявий ҳисоботи.

**Примерная тематика курсовых работ по дисциплине
«Бухгалтерский учет в банках»**

1. Основы организации бухгалтерского учета в банках
2. Документы бухгалтерского учета в банках и документооборот
3. Порядок ведение синтетического и аналитического учета в банках
4. Порядок открытия лицевых счетов клиентам в банках
5. Учет расчетных операций банков
6. Учет межбанковских операций
7. Учет кассовых операций банков
8. Учет кредитных операций банков
9. Нормативно- правовые основы ведения бухгалтерского учета в банках
10. Учет лизинговых и факторинговых операций банков
11. Учет ценных бумаг в банках
12. Учет основных средств в банках
13. Учет нематериальных активов в банках
14. Учет малоценных и быстроизнашивающихся предметов в банках
15. Учет заработной платы в банках
16. Учет доходов в банках
17. Учет расходов в банках
18. Учет налогов в банках
19. Учет расчетов по сбережениям населения
20. Особенности бухгалтерского баланса в банках

21. Учет финансовых результатов деятельности банка
22. План счетов бухгалтерского учета в банках
23. Формы безналичных расчетов в банках и организация их учета
24. Учет расчетов по платежным поручениям и платежным требованиям
25. Учет расчетов с инкассовыми поручениями и чеками
26. Учет расчетов с пластиковыми карточками
27. Учет валютных операций в банках
28. Учет операционных расходов в банках
29. Регистры бухгалтерского учета в банках и порядок их ведения
30. Финансовая отчетность в банках.

**«Банкларда бухгалтерия ҳисоби» фанидан курс ишлари
мавзуларининг намунавий режалари**

I – вариант

Мавзу: Банкларда касса операцияларининг ҳисоби

Режа :

Кириш

**1-боб. Банкларда касса операциялари ҳисобининг
вазифалари ва хусусиятлари**

- 1.1. Банкларда касса операциялари ва уларни ташкил этиш
- 1.2. Банкларда касса опреациялари ҳисобининг мақсади ва вазифалари

**2-боб. Банкларда касса операцияларининг ҳисоби ва уни
яхшилаш йўллари**

- 2.1. Банк кассасига нақд пулларни қабул қилиш ва ҳисобини юритиш тартиби
- 2.2. Кассадан нақд пулларни бериш тартиби ва ҳисоби
- 2.3. Кассадаги пул маблағлари ҳисобини яхшилаш йўллари

Хулоса ва таклифлар

**Мавзу: Банкларда кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг
ҳисоби**

Режа:

Кириш

**1-боб. Банкларда кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар
ҳисобининг назарий асослари**

- 1.1. Банкларда кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг

ҳисоб объекти сифатидаги таснифи ва тавсифи

1.2. Банкларда кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисобининг вазифалари

2-боб. Банкларда кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисобининг ҳолати ва уни яхшилаш йўллари

2.1. Банкларда кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисобининг бугунги ҳолати

2.2. Банкларда кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳаракатининг ҳисоби

2.3. Банкларда кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисобини яхшилаш йўллари

Хулоса ва таклифлар

Мавзу: Банкларда даромадларнинг ҳисоби

Режа:

Кириш

1 - боб. Банкларда даромадлар ҳисобининг назарий асослари

1.1. Банкларда даромадларнинг таснифи ва тавсифи

1.2. Банкларда даромадлар ҳисобининг мақсади ва вазифалари

2 – боб. Банкларда даромадлар ҳисоби ва уни яхшилаш йўллари

2.1. Банкларда фоизли даромадларнинг ҳисоби

2.2. Банкларда фоизсиз даромадларнинг ҳисоби

2.3. Банкларда даромадлар ҳисобини яхшилаш йўллари

Хулоса ва таклифлар

II – вариант

Мавзу: Банкларда касса операцияларининг ҳисоби

Режа:

Кириш

1. Банкларда касса операциялари ва уларни ташкил этиш
 2. Банкларда касса операциялари ҳисобининг мақсади ва вазифалари
 3. Банк кассасига нақд пулларни қабул қилиш ва ҳисобини юритиш тартиби
 4. Кассадан нақд пулларни бериш тартиби ва ҳисоби
 5. Кассадаги пул маблағлари ҳисобини яхшилаш йўллари
- Хулоса ва таклифлар

Мавзу: Банкларда кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг ҳисоби

Режа:

Кириш

1. Банкдаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг таснифи ва тавсифи
 2. Банкларда кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисобининг мақсади ва вазифалари
 3. Банкларда кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисобининг бугунги ҳолати
 4. Банкларда кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳаракатининг ҳисоби
 5. Банкларда кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисобини яхшилаш йўллари
- Хулоса ва таклифлар

Мавзу: Банкларда даромадларнинг ҳисоби

Режа:

Кириш

1. Банк даромадларининг таснифи ва тавсифи
 2. Банкларда даромадлар ҳисобининг мақсади ва вазифалари
 3. Банкларда фоизли даромадларнинг ҳисоби
 4. Банкларда фоизсиз даромадларнинг ҳисоби
 5. Банкларда даромадлар ҳисобини яхшилаш йўллари
- Хулоса ва таклифлар

**Примерные планы курсовых работ по дисциплине
«Бухгалтерский учет в банках»**

I – вариант

Тема : Учет кассовых операций банков

План:

Введение

Глава 1. Задачи и особенности учета денежных средств в кассе банка

- 1.1. Порядок формирования денежных средств в кассе банка
- 1.2. Цель и задачи учета денежных средств в кассе банка

Глава 2. Состояния учета кассовых операций банков и пути его улучшения

- 2.1. Порядок приёма денежной наличности и их учет в банке
- 2.2. Учет выдачи денежных средств из кассы банка
- 2.3. Пути улучшения учета денежных средств в кассе банка

Выводы и предложения

Тема: Учет малоценных и быстроизнашивающихся предметов в банке

План:

Введение

Глава 1. Теоретические основы учета малоценных и быстроизнашивающихся предметов банка

- 1.1. Классификация и характеристика малоценных и быстроизнашивающихся предметов банков
- 1.2. Задачи учета малоценных и быстроизнашивающихся предметов в банках

Глава 2. Состояние и пути его улучшения учета малоценных и быстроизнашивающихся предметов в банках

2.1. Состояния учета поступления малоценных и быстроизнашивающихся предметов в банке

2.2. Методика учета выбытия малоценных и быстроизнашивающихся предметов банков

2.3. Пути улучшения учета малоценных и быстроизнашивающихся предметов в банках

Выводы и предложения

Тема: Учет доходов банков

План:

Введение

Глава 1. Характеристика доходов банков и задачи их учета

1.1. Характеристика доходов банков как объект бухгалтерского учета

1.2. Задачи учета доходов в банках

Глава 2. Состояние учета доходов банка и у пути его улучшения

2.1. Учет процентных доходов

2.2. Учет беспроцентных доходов

2.3. Пути улучшения учета доходов в банках

Выводы и предложения

II – вариант

Тема : Учет кассовых операций банков

План:

Введение

1. Кассовые операции банков и порядок их организации

2. Цель и задачи учета денежных средств в кассе банка

3. Порядок приёма денежной наличности и их учет в кассе

4. Учет выдачи денег из кассы

5. Пути улучшения учета денежных средств в кассе

Выводы и предложения

Тема: Учет малоценных и быстроизнашивающихся предметов

План:

Введение

1. Классификация и характеристика малоценных и быстроизнашивающихся предметов банков
2. Задачи учета малоценных и быстроизнашивающихся предметов в банках
3. Состояния учета движения малоценных и быстроизнашивающихся предметов в банке
4. Пути улучшения учета малоценных и быстроизнашивающихся предметов в банках

Выводы и предложения

Тема: Учет доходов банков

План:

Введение

1. Характеристика доходов банков как объект бухгалтерского учета
2. Задачи учета доходов в банках
3. Учет процентных доходов
4. Учет беспроцентных доходов
5. Пути улучшения учета доходов в банках

Выводы и предложения

**«Банкларда бухгалтерия ҳисоби» фани бўйича курс
ишларини тайёрлаш учун
тавсия этиладиган меъёрий ҳужжатлар ва адабиётлар**

РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т: Ўзбекистон, 2016.
2. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонуни 2016 йил 13 апрель
3. Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни. (1995 й. 26 декабр).
4. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги”ги Қонуни. (1996 й. 25 апрел).
5. Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрир). Халқ сўзи, 2004 йил 12 февраль
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Валюта сиёсатини либериллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чорататбирлар тўғрисида”ги Фармон, 2017 йил 2 сентябрь
7. Ўзбекистон Республикасининг Солик Кодекси (2007 йил 25 декабр).
8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган «Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисида Низом», (2003 йил 23-декабр, 131-сон).
9. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисобининг ҳисоб варақалар режаси-№290-сонли. 1-10 бетлар
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси».
11. Абдувахидов Ф. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби. Ўқув кўлланма. -Т.: 2010 й, 244 бет

12. Курсов В.Н., Яковлев Г.А. Бухгалтерский учет в коммерческом банке: Новое типовые бухгалтерские проводки операций банка: учеб. пособ. – Россия. -М.: ИНФРА-М, 2010. – 216 с.
13. Ермаков. С.Л. Основы организаций деятельности коммерческого банка. Учебник. – М.: КНОРУС, 2009 – 656с.
14. Мощенко Н.П. Международные стандарты учета и финансовой отчетности: Учеб. пособие. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 272 с.
15. Муругова И. А. Операционная техника и учет в банках: Учеб. пос. - Т.: Таш. фин. ин-т., 2008. - 69 с
16. Наврӯзова К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника. Ўқув КўРСАТМА.- Т.: ТМИ, 2008. - 170 б.
17. Парфенов К.Г. Себестоимость в банках: Сборник нормативных документов. – М.: Пресс, 2006.
18. Парфёнов К.Г. Банковский план счетов и правила введения бухгалтерского учёта. - М.: Гелиос АРВ, 2006.
19. Шеремет А.Д. Финансовый анализ в комерческом банке. – М.: Финансы и статистика, 2000.
20. Интернет сайтлари:
www.bankclub.ru/rankings-bk.htm По активам
www.bankclub.ru/rankings-bkp.htm По капиталу
«Norma” 2015.
www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки.
www.nbu.com – ГИФ Милиий банк
www.bankibform.ru
www.banking.com
www.uzpsb.com – Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат қурилиш банки
www.thebanker.uz
www.bankinfo.uz
www.uzland.uz

Курс иши муқовасининг намунавий шакли

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ

«БАНКЛАРДА КАССА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ҲИСОБИ
("Капиталбанк" маълумотлари асосида)"
мавзусидаги

КУРС ИШИ

Бажарди: _____ курс, _____ гуруҳ

талабаси _____
(фамилияси, исми, шарифи)

Курс иши раҳбари: _____
(илмий даражаси, унвони)

(фамилияси, исми, шарифи)

САМАРҚАНД - 2017

Курс ишининг мундарижаси
(«Банкларда касса операцияларининг ҳисоби» мавзуси бўйича
I – вариант)

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1-боб. Банкларда касса операциялари ҳисобининг вазифалари ва хусусиятлари.....	6
1.1. Банкларда касса операциялари ва уларни ташкил этиш	6
1.2. Банкларда касса операциялари ҳисобининг мақсади ва вазифалари	11
2-боб. Банкларда касса операцияларининг ҳисоби ва уни яхшилаш йўллари.....	16
2.1. Банк кассасига нақд пулларни қабул қилиш ва ҳисобини юритиш тартиби	16
2.2. Кассада нақд пулларни бериш тартиби ва ҳисоби.....	21
2.3. Кассадаги пул маблағлари ҳисобини яхшилаш йўллари...28	
Хулоса ва таклифлар.....	31
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	35
Иловалар.....	37

Курс ишининг мундарижаси

(«Банкларда касса операцияларининг ҳисоби» мавзуси бўйича,
II – вариант)

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1. Банкларда касса операциялари ва уларни ташкил этиш.....	7
2. Банкларда касса операциялари ҳисобининг мақсади ва вазифалари	14
3. Банк кассасига нақд пулларни қабул қилиш ва ҳисобини юритиш тартиби.....	20
4. Кассадан нақд пулларни бериш тартиби ва ҳисоби.....	28
5. Кассадаги пул маблағлари ҳисобини яхшилаш йўллари.....	31
Хулоса ва таклифлар.....	35
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	37
Иловалар.....	39

Титульная форма курсовой работы

**Министерство высшего и среднего специального образования
Республики Узбекистан**

Самаркандский институт экономики и сервиса

Кафедра «Бухгалтерского учета и аудита»

КУРСОВАЯ РАБОТА

на тему:

**«УЧЕТ КАССОВЫХ ОПЕРАЦИЙ БАНКОВ
(на примере « Капиталбанка»»)**

Выполнил(ла) студент(А)

_____ курса, группы _____

(ФИО студента)

**Научный руководитель
курсовой работы: _____**

(ученная степень, звание, ФИО)

САМАРКАНД -2017

Оглавление курсовой работы
(По теме: «УЧЕТ КАССОВЫХ ОПЕРАЦИЙ БАНКОВ»,
вариант - 1)

Оглавление

Введение.....	3
Глава 1. Задачи и особенности учета денежных средств кассе	
банка	6
1.1. Порядок формирования учета денежных средств в кассе	
банка.....	6
1.2. Цель и задачи учета денежных средств в кассе банка	11
Глава 2. Состояния учета кассовых операций банков.....	16
2.1. Порядок приёма денежной наличности и их учет.....	16
2.2. Учет выдачи денежных средств из кассы банка.....	21
2.3. Пути улучшения учета денежных средств в кассе	28
Выводы и предложения.....	31
Список использованной литературы.....	35
Приложения	37

Оглавление курсовой работы

(По теме: «УЧЕТ КАССОВЫХ ОПЕРАЦИЙ БАНКОВ»,
вариант –2)

Содержание

Введение.....	3
1. Порядок формирования учета денежных средств в 2. кассе банка.....	7
2. Цель и задачи учета денежных средств кассе банка.....	14
3. Порядок приёма денежной наличности и их учет.....	20
4. Учет выдачи денежных средств из кассы банка.....	28
5. Пути улучшения учета денежных средств в кассе.....	31
Выводы и предложения.....	35
Список использованной литературы.....	37
Приложения.....	39

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I. КУРС ИШИНИНГ АҲАМИЯТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛИКНИ ШАҚЛЛАНТИРИШДА ТУТГАН ҲУРИ.....	3
II. КУРС ИШИ МАВЗУСИНИ ТАНЛАШ ТАРТИБИ.....	4
III. КУРС ИШЛАРИГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ.....	5
IV. КУРС ИШИ РЕЖАСИ.....	5
V. КУРС ИШИНИ ЁЗИШДА МЕЎЁРИЙ –ҲУҚУҚИЙ МАНБАЛАР, МАХСУС АДАБИЁТЛАР ВА АМАЛИЙ МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	6
VI. КУРС ИШИНИ ЁЗИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	8
VII. КУРС ИШИНИНГ КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ ВА ҲИМОЯСИ.....	10
ИЛОВАЛАР.....	12

Ҳ.Н.Мусаев, Амонов А.А, Пашаходжаева Д.Д.

**«БАНКЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ»
ФАНИДАН КУРС ИШЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ҲИМОЯ
ҚИЛИШ БЎЙИЧА**

УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Илмий - услубий нашр.

Самарқанд шаҳри
Самарқанд иқтисодиёт ва
сервис институти босмахонаси.
А. Темур кўчаси, 9

Буюртма № 174
Қоғоз бичими 60/84
Ҳажми 2 б.т.
Адади 50 дона

